

# 向正在胜利地建设社会主义的中国人民致兄弟的敬礼!

МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН УЛУФ ХИТОЙ ХАЛҚИГА ҚАРДОШЛИК САЛОМИ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

## ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 231 (722)

24  
НОВАБР  
ШАНБА  
1956 ЙИЛ

БАҲОСИ  
20 ТИНИН

### Бугун Тошкентга Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси келади.

### Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

### Инки улуг халқнинг буюк дўстлиги

Бугун Тошкентга халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси — улуг хитой халқининг вакиллари келади. Пойтахтимиз меҳнаткашлари қардош хитой халқи вакиллари самимий табриқлайдилар ва уларга: Хуш келибсиз, хитойлик қардошларимиз, дейдилар. Чунки, хитой халқи вакиллари Совет Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келишлари инки улуг халқ — совет халқи билан хитой халқи ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди. Совет халқи қардош улуг хитой халқига социалистик жамият қуришидек улуг ва олий жаноб ишда янги-янги муваффақиятлар тилайди.

Улуг хитой халқи ўзининг доно ва синалган йўлбозчилиги ва раҳбари Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлигида социалистик қуришни кенг программасини амалга оширмоқда. Бу, мамлакат экономикасининг тез суратлар билан юксалишини таъминламоқда, хитой халқи маданиятининг янада равиқ топши учун кенг перспективалар очиб бермоқда. Хитой Коммунистик партияси Хитойдаги конкрет вазиятга асосланиб, ўзининг беш йўлини — мамлакатни социалистик асосда индустриаллаштириши ва қишлоқ хўжалигини, кустар санаятини, капиталистик санаят ва савдо-сотиқни социалистик негизда секин-аста ўзгартиришидан иборат йўлни изчилади билан амалга оширмоқда. Хитой халқи партиянинг беш йўлига амал қилиб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1953-1957 йилларга таъинланган биринчи беш йиллик пиланини амалга оширмоқда, хитой экономикасининг асоси бўлган оғир индустрияни вужудга келтириш йўлида улугвор вазифани ҳал этмоқда. Бу пиланга асосан биринчи беш йилликда Хитойда 800 га яқин санаят корхонаси қурилади. Булардан тахминан 500 таси беш йилликнинг охиригача ишга тушади.

Хитой қишлоқ хўжалиги эришган муваффақиятлар қаттидир. Хитой Коммунистик деҳқонларни кооперативлаштириш тўғрисидаги тегишча идеяларга асосланиб, Хитойнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, майда деҳқон хўжаликларини коллектив меҳнатга жалб этиш назариларини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Хитой қишлоқда социализм мустаҳкам мавқияларни эгаллади. 1956 йилнинг эилага келиб мамлакатдаги барча деҳқонларнинг ўндан тўққиздан кўпроғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативларига кирди.

Хитой Коммунистик партиясининг шу йил сентябрда бўлиб ўтган VIII Умумхитой съезди хитой халқи тарихида муҳим воқеа бўлди. Съезд хитой халқи эришган галабаларга яқин ясади, Хитойда социализм қурилишининг кенг перспективаларини кўрсатиб берди. Инкинчи беш йиллик пилан юзасидан Съездда тасдиқланган таклифлар Хитойда социализм қуриш учун курашнинг буюк программасидир.

Хитой халқи мамлакатда социализм қуриши ишларида кўпгина қийинчиликларга ҳам дуч келмоқда. Бироқ, Хитой меҳнаткашлари Совет Иттифоқидек қудратли ва содиқ иттифоқдошга эгадилар. СССР ва халқ демократияси мамлакатлари қардош хитой халқига жуда катта моддий-техника ёрдами бермоқдалар. СССР ёрдами билан Хитойда 205

Йирик санаят корхонаси қурилмоқда. Бу санаят Хитой индустриясининг асосидир. Совет Иттифоқининг хитой халқига бегаралик билан бераётган ёрдами Хитой экономикасини юксалтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикасига ҳар турли машиналар, асбоб-ускуналар, трактор ва комбайнлар, электр асбоблар билан ёрдам бермоқда. Фақат шу йилнинг ўзида Ленинграддаги «Электросила» заводи Хитой Халқ Республикасига 200 ди яқин электр машина ва аппаратлар буюрди. Хитой ишчилари Ватанимиз пойтахти Москвадаги, Ленинград, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги санаят корхоналарида техника таълимини олмақдалар, янги прогрессив методларни ўрганмоқдалар. Хитой қишлоқ хўжалиги мутахассислари совет қолшоғи деҳқонларининг қишлоқ хўжалик эканларидан мўл ҳосил этиштириш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги муваффақиятларини ўргатишмоқдалар. Минглаб хитой студентлари Совет Иттифоқидаги олий ўқув юрталарида таълим олмақдалар. Хитой халқи билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганини бу инки улуг халқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамламоқда.

Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларининг социализм қуриши ишларида эришган галабалари Совет Иттифоқи меҳнаткашларини баҳад хурсанд қилмоқда, уларнинг қабилни ўз дўсти ва биродари бўлган улуг хитой халқи учун фахрларини туйғулар билан тўлдирмоқда. Совет халқи хитой ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни жаҳон социалистик системасининг қудратини мустаҳкамловчи гаров деб, бутун дунёда мустаҳкам тинчликнинг гарантисига деб билмоқда.

Хитой Халқ Республикаси — тинчликсевар, халқаро кескинликни юмшатишга астойдил интилаётган қудратли давлатдир. Хитой Халқ Республикаси тинч-тотув яшашнинг беш принципини ишлаб чиқишда актив қатнашиб, халқаро тинчликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У, Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессиясини қатъий қораллади, чет эл қўшинларини Мисрда дарҳол олиб чиқиш талаб қилмоқда. Хитой Халқ Республикаси — Осиёдаги энг катта суверен давлатдир.

Хитой Халқ Республикаси Ўзоқ Шарқда ва Осиёда тинчликнинг қудратли факторидир. Ўзоқ Шарқда доир бирор проблемани ҳам Хитой Халқ Республикасининг иштирокисиз ҳал этиш мумкин эмас. Аммо АҚШ бопчиллигини империалистик давлатлар факторидан юз ўгириб, Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi қонуний ўрнини эгаллашшига шармандаларча тўққизлик қилмоқдалар. Ер юзиде энг улуг халқ бўлган 600 миллионли хитой халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi ўзининг қонуний ўрнини эгаллаши керак!

Совет-Хитой дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

### Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси делегациясининг Москвада бўлиши

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг Халқ вакиллари делегацияси 22 ноябрда Ленинграддан Москвага қайтиб келди. Меҳмонлар бир оз дам олганларидан кейин Москва авиация заводини бориб кўрдилар. Бу ерда Авиация санаяти министри П. В. Деметьев совет авиация санаятининг ривожланиши тўғрисида, СССР ва ХХР авиация санаяти мутахассисларининг биргаликда олиб бораётган ишлари ҳақида меҳмонларга гапириб берди. Корхона директори П. А. Воронин ишчилар коллективини номидан меҳмонларга самимий селом топширди ва корхонанинг ишлари ҳақида сўзлаб берди. Самолётлар Ингилиб бўзидан каттакоң цехда ишчи ва хизматчиларнинг умумзавод митинги бўлди. Митингнинг завод касабаси союз комитетининг раиси С. А. Овечкин оқди. У делегация аъзоларини ва улар орқали улуг хитой халқининг митинг қатнашчиларини номидан самимий табриқлади.

Заводнинг энг яхши слесари В. Е. Сизов таъбирич нутқ сўзлади. Руслар ва хитойлар, деди у, янги, ажойиб коммунистик жамият қуриш учун курашди, бутун индустриаллаштириш баҳ-саодати учун курашда турган мустаҳкам ва бузиламас дўстлик алоқалари билан бир-бирларига болганлар у ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан таъмомлади:

Ўртоқлар! Совет Иттифоқининг 200 миллион аҳолиси ва Хитойнинг 600 миллион аҳолиси — 800 миллион киши, яъни бутун ер юзидеги аҳолининг учдан бир қисми ҳазир қўли қўлга бериб бормоқда! Биз бу йўлдан четга чиқмайлик, биз дўстлигимизни мустаҳкамлаймиз, бир-биримизга қардошларча

ёрдам берамиз, тинчликни биргаликда қаттиқ туриб қимоя қилами!

Корхонанинг инженер-техник ходимлари номидан И. С. Куриний сўзлади. Биз биламики, деди у, империалистлар зулми остида бўлган вақтда Хитойнинг ўз авиация санаяти йўқ эди, Хитойнинг жуда кенг территориялари ва унинг мудофаа манфаатлари авиация санаятини барпо этишни талаб қилди. Бу вазифа ҳозирги вақтда хитой халқи ҳал қилаётган мураккаб вазифалардан бири эканлигини билди, биз самолётлар қуриш соҳасидаги ўз тажрибамиз ва ютуқларимизни хурсандчилик билан баҳам кўрмоқдамизки, Хитой ҳам қисқа муддат ичида бизнинг Ватанимизга бўлгандек қудратли ҳаво флотига эга бўлсин!

Митинг қатнашчилари завод ишлари номидан сўзга чиққан инженер-плановик М. А. Сидоранинг охириги сўзларини гудурос овация билан қутиб олдилар.

— Биз, — деди у, — хитой ишлари билан қўли-қўлга бериб биргаликда бахтли ҳаёт қураимиз. Ёшларимиз қаҳрамон хитой ишларига ва унинг жанговар авангарди — ишларнинг янги демократик союзига қардошлик салом йўлайди.

Митингда Ўртоқ Пин Чэнь нутқ сўзлади. Ҳозир бўлганлар уни самимий қутиб олдилар.

Митинг совет ва хитой халқлари ўртасидаги бузиламас, абадий дўстликнинг намойишига айланди.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси делегациясининг аъзолари ўша куни меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников хузурига бордилар. (ТАСС).

### Янги электростанциялар ишга тушмоқда

Халқ Хитойда электрэнергетика санаяти муваффақият билан ривожланоқда. 1955 йилда мамлакатдаги электростанциялар 12 миллиард киловатт соатдан ортқ электрэнергия ишлаб чиқардилар. Бу миқдор мамлакат овоз бўлган давраларга қараганда уч марта кўпдир.

Халқ хўжалигини ривожлантириш инкинчи беш йиллик пиланида инкинчи беш йилликнинг сўнги йили — 1962 йилда электрэнергия ишлаб чиқариши 40-43 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилди. Бунга янги гидроэлектростанциялар қуриш ва эски гидроэлектростанцияларни реконструкция қилиш йўли билан эришилади. Биринчи беш йиллик мобайнида 32 та янги электростанция ишга туширилди. Ҳозирги вақтда яна 31 та электростанция қурилиб бўлмоқда. Қурилиб бўлган ва қурилаётган электростанцияларнинг кўп қисми мамлакатнинг янги санаят районларидадир.

### ХИТОЙ ЕЗУВИ РЕФОРМА ҚИЛИНМОҚДА

Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши хузурдаги махсус комиссия Хитойнинг янги алифбесини қайта кўриб чиқди ва унинг проектини қабул қилди. Хитойнинг янги фонетик ёзуви асосан латин алифбесига асосланди.

Ана шу проектни қайта кўриб чиқиш билан шуғулланган комиссия тилчилар, ўқитувчилар, олимлар ва жамоат арбоблари билан Пекинда ҳам, мамлакатнинг бошқа қисмларида ҳам кенгашлар ўтказди. Комиссия Хитойнинг қайта кўриб чиқилган алифбеси проектини узил-кесил тасдиқлаш учун Давлат кенгашига тақдим қилади.

### ЭМИ СЯО

«Қани музокарага! Дўстлар, ҳа дадил! Бироқ зал сукутда, чурқ этмайди тил. «Эпичи» нотиларга раис қўз ташлар, Шундан сўнг нома-ном қағира бошлар. Улар туриб гапга гап улайдилар, Докладни асосан маъқулайдилар, Дейдиларки, тўғри берилган йўриқ. Вари тушунарли, бариси аниқ. Энди бирор ғарор, одагга қўра, Қабул қилиш керак докладдан сўнгра. Раис ўқиб берав уни шу фурсат, (Одиндан тайёрлаб қўйилган, албат) Бир ўйлан! Ярим кун ўтириш залда! Нима ҳал қилинди ана шу ҳолда! Эҳтимол, арзимас хафа ҳам бўлиш, Эртага мукиндур яна Ингилиш? Хитой актывларини бурчидаг мажлис! Актывлар ўсади мажлисда, сўзаси! Чиндан ҳам турмушда шундайлиқ ўртоқ? Шундай мажлисларда ўтиридик бироқ, Улар бизни муҳим ишдан қолдирди, (Ростин айтмаин!) Ҳолдан толдирди. Дўстларим! Вақт етди-бемаъин, беғам. Шундай мажлисларга берайлик барҳам.

Русчадан Рамз БОБОЖОН таржимаси.

### Ўзбекистон КП Гулистон район комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Гулистон район колхозчиларини, МТС ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва комсомол ходимларини 1956 йилда давлатта пахта топириш юзасидан социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарганликлари билан табриқлайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу нарсани қоникки билан қайд қиладиларки, район пахтакорлари Тошкент шаҳар Фрунзе район меҳнаткашлари, тўқимачилик комбинати коллективни, Урта Осиё политехника институтини ва кечки педагогика институтини студентлари ёрдами билан шу йил 22 ноябрда давлатта 22,720 тонна, 1955 йилдагидан 4 мин тонна кўп пахта топиридилар. Колхозлар ҳар гектар ердан 26,5 центнердан ёки ўтган йилдагидан 3,7 центнердан кўп пахта олдилар. Колхозчилар ва совхоз ишчилари яна 1000 тонна ёки ҳар гектар ердан 1 центнердан кўпичма равишда пахта териб олиб, давлатта топиришига сўз бердилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишонч билдиридиларки, Гулистон район колхозчилари, МТС ва Бушув номи совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва комсомол ташкилотлари бутун пахта ҳосилининг териб, давлатта топирилишини, мажбуриятлар бўйича гўшг ва сўт топирилишини, 1957 йил ҳосили учун ерларни ўз вақтида шудгорлаб қўйишни таъминлайдилар, чорва қишлоқини мамунали ўтказдилар ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда янги ютуқларга эришдилар.

### Ўзбекистон КП Бўка район комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон Коммунистик Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу нарсани қоникки билан қайд қиладиларки, Бўка район колхозчилари, МТС ва 6 «Бўкорол» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари Тошкент шаҳар Марказий район меҳнаткашлари, Ленин номидаги Урта Осиё давлат университетининг студентлари ҳамда Олмалик шаҳар меҳнаткашларининг актив ёрдами билан пахта териш ва давлатта топириш юзасидан олдинги социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариб, катта иш қилдилар.

Район колхозлари ва совхоз 24 ноябрда қалар давлатта 30000 тонна, ўтган 1955 йилда топирилган бутун пахтадан 5800 тонна кўп пахта топиридилар, ҳар гектар ердан 23 центнердан ёки ўтган йилдагидан 4 центнер кўп пахта олдилар. Район пахтакорлари яна 1000 тонна пахта териб давлатта топиришига ваъда бердилар. Шунингдек номи билан қўшиқдан дон тайёрлаш пилани 112 процент, пилла тайёрлаш пилани 100,2 процент, жуи тайёрлаш пилани 100,2 процент, туҳум тайёрлаш пилани 100,5 процент бажарилиди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бўка районининг колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, партия, совет ва комсомол ходимларини барча меҳнаткашларини эришган муваффақиятлар билан табриқлайдилар ҳамда улар қўшимча мажбуриятни бажардилар, егиштирилган бутун пахта ҳосилини териб олиб, давлатта топиридилар. 1957 йил ҳосили учун ери шудгорлаб қўйдилар, чорва моллар қишлоқини муваффақиятли ўтказдилар ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги ютуқларга эришдилар, деб қаттиқ билдиридилар.

### Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 23 ноябрдагача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобда)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	0,08	113,40	Верхне-волиски	0,15	97,15
Пискент	0,13	110,33	Калинин	0,26	96,09
Орджоникидзе	0,15	110,16	Оҳангарон	0,40	94,33
Юқори Чирчиқ	0,14	110,00	Кўйи Чирчиқ	0,34	92,84
Ўртасарой	0,13	105,44	Бекобод	0,49	92,75
Сирдарё	0,30	103,32	Чиноз	0,28	92,46
Мирябрь	0,51	100,73	Янгийўл	0,26	92,12
Оқтарақ	0,07	100,55	Оққўрғон	0,35	91,72
Гулистон	0,79	100,09	Боёвут	0,24	88,67
Бўка	0,45	99,51	Ўрта Чирчиқ	0,23	88,25

### СОВЕТ-ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДУСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Союзлар Уйининг Колонна залида кеча

Чехословак — совет дўстлиги олий муносабати билан 22 ноябрда Москва меҳнаткашлари вакиллари кечаси бўлди. Союзлар Уйининг Колонна залида ишчилар, фан ва маданият арбоблари, студентлардан инки мингга яқин киши тўпланди. Ингилиш президиумида Н. М. Шверник, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. П. Тарасов, СССР Олий Совети миллатлар Совети Раисининг ўринбосари П. Т. Комаров, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, ВПСО раисининг ўринбосари А. Н. Соловьев, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патолчев ўртоқлар ўтиридилар. Президиумда Чехословакия Республикасининг СССР даги Элчиси И. Во-

шаглик, Чехословак — совет дўстлиги Словак комитетининг секретари А. Марция бошчилигидаги чехословак маданият арбоблари делегациясининг аъзолари ва қардош чехословак халқининг бошқа вакиллари ҳам бор эди. Кечани СССР Маданият министри Н. А. Михайлов оқди. Н. М. Шверник «Чехословак ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик» ҳақида доклад қилди. Кечда Чехословакиянинг СССР даги Элчиси Я. Вошаглич, Чехословакия маданият арбоблари делегациясининг бошлиғи А. Марция ҳам сўзга чиқдилар. Ширардада совет санъати усталарининг иштироки билан катта концерт қўйилди. (ТАСС).

### ХИТОЙ ХАЛҚИ СОЦИАЛИЗМ ҚУРМОҚДА



Суратларда: 1. Шанхай университетининг студенти Ян Чун-вань. Бу инги илгари рикшалик қилар эди. Шанхай гомеданчилардан тозалангандан сўнг у кечки ишчи ишлар магистабига ўқишга кирди, инки йилдан буюн эса шаҳардаги университетнинг машинасозлиқ факультетига ўқишда. 2. Гутянда (Фуцзянь вилояти) янги гидроэлектростанция ишга туширилди. Унинг генераторлари Хитойнинг ўзида ишланган. 3. «Дружба» давлат хўжалигида (Хэйлунцзян вилояти) бу йил 16 минг гектар ернинг ҳар бир гектаридан комбайнлар билан 16-25 центнердан галла ўриб олинди. Синьхуа агентлигининг фотолари.

ЯШАСИН ВА МУСТАҲКАМЛАНСИН СОВЕТ-ХИТОЙ ДЎСТЛИГИ!



Бутун инсониятнинг чорага яшадган жаҳоннинг энг улуу мамлакат — Хитой Халқ Республикасида жаҳоншумура-тарихий ишлар соди бўлмоқда. 600 миллионли хитой халқи курашларда чиниқдан Хитой Коммунистик партияси раҳбарлиги остида ўз жонжон ватанини гуллаб-яширатган улуу социалистик давлатга айланганлик ҳақиқат улуғвор вазифини ҳақ қилмоқда.

Хитойдаги халқ революциясининг галабаси Октябрь социалистик революциядан сўнг Шарқ мамлакатларидаги овозлик курашнинг янги салинига ва бутун жаҳон тарихининг ривожланишига буёқ таъсир кўрсатган энг катта воқеа бўлди. Хитойнинг социалистик давлатлар оиласига кирганилиги халқроқ мисофа социализм кучлари билан капитализм кучлари ишонганини социализм фойдасига қатъий сурабда ўзгартириш ёборди. Прогрессив инсоният Хитойдаги халқ революциясининг галабасини тинчлик, демократия ва социализм улуу ишонини умуий тантанасин айтаётган энг муҳим босқичлардан бири деб ҳисоблайди.

Халқ революцияси хитой халқининг бинам-туганмас ижодий кучларини рўбса чиқарди, унга буёқ ғайрат бағишлади ҳа хитой халқини социализм қурилишининг кенг йўлга олиб чиқди. Хитой халқи ўз мамлакатининг чинмак хўжайини бўлиб олиб, Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида қисқа вақт ичида хўжайин, маданий ва давлат қурилишининг ҳамма соҳаларида катта галабаларга эришди.

Социализм қурилишининг Хитой Коммунистик партияси ишлаб чиққан программасини мамлакатнинг кенг халқ омаси яқинлик билан кутуб олади ва уни амалга ошириш учун мисли қўрилмаган ғайрат билан ишга киришти. Хитойда овоз ва мустандлик давлатга муносиб шаклда янги завод ва фабрикалар, шахта ва электростанциялар қурилоқда, қудратли ватан саноати барпо қилиноқда.

Саноат қурилиши планирида ватан оғир индустриясини барпо этишга асосий ўрин берилган. Бундай индустриянинг асослари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1953-1957 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик планини бажариш давомида барпо қилиноқда. Хитой меҳнатчилари бу планини бажариш йўлида 3 йилдан буён қаҳрамонча меҳнат қилмоқдалар. Биринчи беш йилда 800 га яқин йирик саноат корхоналари қурилади. Улардан тахминан 500 тани беш йилликнинг охиригача ишга туширилади.

Биринчи беш йиллик планга мурофи, саноатнинг ялли маҳсулоти 90 процентдан зиёд ортини керек. Бу соҳада қилинаётган ишлар планининг муваффақиятли бажарилишини кўрсатади. Масалан, саноатда ялли маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида беш йиллик план шу йилдаёқ бажарилди.

Капиталистик саноат ва савдон социализм негизда қайта қуриш процесси тез суриятлар билан бормоқда. Маҳсулотнинг қиммати жиҳатдан 99 процентини ва ишлаб турган ишчи ҳамда хизматчилар-

нинг сони жиҳатдан 98 процентини ташкил этган капиталистик саноат 1956 йил ўрталирига келиб аралаш давлат-хусусий саноатга айлантирилди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялли маҳсулотда саноатнинг салмоғи 1949 йилдаги 17 процентдан 1955 йилда 34 процентгача кўпайди. Ҳозирги вақтда давлат сектори саноатнинг ялли маҳсулотига устуни ўрини тутди.

Хитой Коммунистик партиясини мамлакатини индустриализм ишини ҳар тарафлама олга суриб, қиллоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш каби тарихий процессга ҳам қомил ишонч билан раҳбарлик қилмоқда. Коммунистик партия «деҳқонларни кооперативлаштириш» тўғрисидаги ленинча идеяларни асослаиб, майда деҳқон хўжалиқларини коллектив меҳнатга жалб этиш планини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Бу план Хитойнинг ўзига хос шартлирини тўла ҳисобга олиб, Коллектив меҳнат идеяси хитой деҳқонларининг онига сингандан сўнг, улар ишонгани кооперативларга кира бошадилар.

Улар капиталистик йўлни қатъий рақиб қилиб, фаровон ва маданий ҳаётга олиб бораётган социалистик йўлни устул-қосид танаб олдилар. Хитой қиллоқда социализм мустандлик позицияларни эгаллаб олди. 1956 йилнинг боти келиб мамлакатдаги барча деҳқон ҳополларининг ўлини тўғизидан кўпроғи қиллоқ хўжалиқ ишлаб чиқариш кооперативларига аъза бўлди. Ҳозирги пайтда Хитой Коммунистик партияси ўзининг асосий кучларини ишлаб чиқариш кооперативларини ташкилий-хўжалиқ жиҳатдан мустандлаштириш қарор қилди.

Саноатни, қиллоқ хўжалигини ва транспортни ривожлантириш асосида халқнинг маданий ҳаётини йил сайин яхшиланмоқда. Товар обороти кўпаймоқда. Социалистик савдо-сотиқни ривожлантириш давомида мамлакатнинг ўзига плани ва ушунга буюр ташкил топди. 1956 йилда мамлакатдаги товар обороти ҳамми 1952 йилдагига нисбатан 66,3 процент ортади, экспорт ва импорт эса 65 процент кўпайди.

Хитойда маданий революциянинг амалга ошириш, фан, маориф, санъатни ривожлантириш учун тоғт кўп куч сарф қилиноқда. Хитой Коммунистик партияси социализмни қуриш манфаатларини кўзлаб, олимларнинг ижодий активлиги ва ташаббусини ривожлантиришга, илмий фикрини ўстиришга боғлиқлик қилмоқда. Мамлакат ўқув юртиларида ва илмий муассасаларда социалистик қурилишнинг улуғвор вазифарини ҳақ олади янги халқ интеллигенцияси етишиб чиқмоқда.

Хитойда социалистик ўзгаришларни муваффақиятчи сурабда амалга ошириш ватанхона ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи, бирлашган халқ-демократ фронт янада кўпроқ мустандлашди.

Хитойдаги социалистик қурилиш

Унушилмас хопира

Бизнинг хитойлик дўстларимиз билан бўлган маданий ҳамкорлигимиз ва алоқаларимиз йилдан-йилга кучайиб, мустандлашди бормоқда.

Утган йили Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан 25 кишидан иборат бир гуруҳа санъаткорлар Синьцзянга гастролга бордилар. Бизнинг санъаткорларимиз Урумчи, Қашқар, Еркент, Хўтан, Фулжа каби йирик шаҳарларда бўлдилар. Икки ой мобайнида очик майдонларда, артелларда ва мактабларда жуда кўп концертлар бердилар. Хитойликлар ҳар бир концертимизни, Совет Ватани, халқлар дўстлиги ҳақидаги ашуларини айниқса зўр қониқини ҳам тингилдилар.

Биз Синьцзянда турган вақтимизда дўстларимиз билан янада ишонқилинигиз айтиб беришди. Концертлар кўрсатишдан ташқари, улар билан қўнандан ижодий ҳамкорлик қилдик. Урумчидаги университетнинг санъат факультетинида уюштирилган фикр алмашув вақтида санъат соҳасидаги ўз тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Қарга борган бўлсак, шу ерларда бадиий ҳаваскорлар билан ишладик, уларга маъража ва амалий ёрдамлар бердик.

Ижодий ҳамкорлигимиз тез орада ўз самараларини кўрсатди. Биз Синьцзян уйғур ашула ва рақс ансамблининг солисти Зайнаб Содиқовага ўзбекча «Шилла» ва «Пахта» рақсларини, бошқа бир гуруҳа солистларга эса бир неча ҳорамча омманий рақсларини ўргатдик. Ҳатто бу рақсларни ижро этишда қийинликларни кийимларнинг эски-қадимлари асосида қисқа вақт ичида қийинликларни кийимларни ва биз ўргатган рақсларни шу қийимларда муваффақиятчи ижро қилдилар. Улар, хусусан ўша келлари Синьцзян гастролга келган Пекин рақс ансамблининг ижодий коллективини бизга хитойча «Лотос» ва «Вангич билан ўйин» рақсларини ўргатдилар.

Биз шунга аминмики, икки ўртадаги дўстлик алоқаларимиз ва ижодий ҳамкорлигимиз янада ривожланади ва бундан сўнг ҳам ўзининг янгида-янги самараларини беради.

Р. ХУЖАСИДОВА, Янвоний номидаги ўзбек давлат опера ва балет театрининг солисткиси.

Қ. МИРНАРИМОВА, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистка.

Халқ кутубхонасида

Тошкентдаги Янвоний номи халқ кутубхонаси халқ демократияси мамлакатларидаги энг йирик кутубхоналар билан яқинлик алоқа боғланган. 1955 йилдан бери Хитой Халқ демократик республикасининг йирик кутубхоналар билан алоқаси янада мустандлашди.

Кутубхонада «Дағунао» (Катта умумий газета), «Дружба» (Некинда рус тилида нашр қилинади), «Жиньминьжибао» (Халқ газетаси, Хитой КИ Марказий комитетининг органи), «Чжунуо вхо» (Хитой-Совет дўстлиги), «Чжунгоинянбао» (Шилла газетаси), «Гуньженьжао» (Ишчилар газетаси) деган номларда газета, «Хитой», «Яньхуаньхуабао» (суриятлар билан ишланган болалар журиали), «Мейшун» (Санъат), «Чжунгофунюй» (Янги Хитойнинг айбери), «Сюэи» (Маълумот), «Шиньцзе Чжипин» (Халқаро ахвол) деган номларда журналлар бор. Шу йил 9 ой мобайнида кутубхонага Хитой халқининг хўжалиги, тарихи, санъати, маданияти ва беш йиллик планини бажариш ҳақида билган 60 дан ортиқ китоб келтирилди.

Кутубхонада Совет Иттифоқида хитой тилидан таржима қилинган китоб ва журналларнинг бир неча ҳил нусхаси бор. Айниқса китобхоналар Хитой Халқ Республикасининг расми Мао Цзе-Дуниинг рус тилида босилиб чиққан «Сайламан асарларидан кенг фойдаланоқдалар.

Кутубхонада Хитой, Халқ демократияси мамлакатларида чиқадиган адабиётлар, журнал ва газеталарнинг выставаси ташкил қилинди.

М. ЗИМУХАМЕДОВА.

\*\*\*



Суратда: Шарқий Пекин яқинидаги «1 май» кооперативининг пахта ҳосилини териб олиш пайти.

Синьхуа агентлиги фотоси.

Йиғим-терим ишларини кузги шудгорлаш билан маҳкам боғлаб олиб борайлик!

МТС зонасидаги колхозларда пахта ҳосилини янада оширамиз

Мўл ҳосил епиштирдилар

Утган йили дайдов тракторлари ўз вақтида ремонтдан чиқарилганлиги туфайли МТС зонасидаги колхозларда шудгор қилиш ишлари белгилабган муддатларда сифатли ўтказилди. Бу эса чиниқ экин кампаниясини ҳар тарафлама муваффақиятчи ўтказишда катта ёрдам берди. Колхозларда гўза парварини эрта бошлади. Биз гўзани атротехника қондалари асосида сифатли парварин қилишга эътиборни кучайтирдик. Асосий майдонларда гўзалар торқаторлаб ва квадрат-уялаб ўстирилди.

Механизаторларимиз пахтакорлар билан ҳамкорликда ҳалол меҳнат қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар.

Биз колхозларда пахта йиғим-терим бошланган дастлабки кунлардаёқ пахтаси машина билан териланган қаргаларни алиқ белгилаб, бу майдонларда машиналарнинг бемалол ишаниш учун мослаштириб қўйини ишга алоқид эътибор бердик.

Йиғим-терим қизғин авж олган кунларда 40 дан ортиқ СХМ-48м машинаси пахтакорларга хизмат қилди. МТС раҳбарлари, колхоз правленселари, болангич партия ташкилотлари томонидан механизаторларга қўлай иш шартини яратиб берилганлиги, улар ўртасида социалистик мусобада кучайтирилганлиги сабабли йиғим-терим сурияти кундан-кунга орта берди.

МТС зонасидаги Вильямс номи майдонининг ҳар гектаридан давлатга 31 центнердан ҳосил топириб, ўз зиммаларга олган социалистик мажбуриятларини ортинги билан бажардилар. Илгари қамқувват ҳисобини келган Хрушчев номи қиллоқ хўжалиқ артелининг аъзолари ҳам бу йил ўтган йилдагига нисбатан гектаридан 8 центнердан ортиқ, эъни 25,7 центнердан ҳосил топириб, илгори даражасига етиб олдилар. Улар далада қолган ҳо-

сини чамалаб қўриб гектаридан эна 2,5 центнердан пахта топириш учун курашмоқдалар.

Шунингдек, гектаридан 24 центнердан ҳосил топириб ўз социалистик мажбуриятини ошириб бажарган Охунбоев номи колхоз аъзоларининг муваффақиятлари ҳам алоқид тақдирга сазовордир.

МТСимиз зонасидаги Каганович номи колхоз йирик ва юқори ҳосилли қиллоқ хўжалиқ артелларидан бири ҳисобланади. Колхоз аъзолари шу кунгача давлатга 26 центнердан ҳосил топириб, зиммаларига олган юксак мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар. Колхознинг ўртоқ Ж. Мусаев, Х. Оловудинов ўртоқлар бошлаган бригада аъзолари гектаридан 30-32 центнердан ҳосил олиб ўзaro социалистик мусобадада голиб чиқдилар. Колхознинг бундай муваффақиятларга эришишида механик-ҳайдовчиларимизнинг хизмати ҳам катта бўлди. Бу колхозда хизмат қилган О. Худойкулов, Воронкин, Сатин, Муродов ўртоқлар механик бўлган трактор бригадаларининг механизаторлари кўп ва юқори сифатли пахта териб колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифа — далада қолган ҳосилнинг бир граммни ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш билан бирга келуси йил мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлашдир. Шунинг учун ҳам биз ҳосил батамом йиғиб олинган қаргалардаги гўзаларини тезда йиғиб олиб кузги шудгорлашни бошлаб юборишга киришдик. Ҳозир ҳар бир колхозда 8 тадан гўза юлши машинаси ишлаб турибди. 18 та трактор билан эса ерлар кузги шудгор қилиноқда. МТСимиз механизаторлари 15 декабрда барча пахта майдонларини тўла ва сифатли шудгордан чиқариш учун курашмоқдалар.

Т. ЖИВОДЕРОВ, Бўка районидagi 1-МТС директори.

Сирдарё районидagi Тарас Шевченко номи колхозининг ўртоқ Т. Қайчазов бошлаган комсомол-ешлар бригадасининг аъзолари кўп йиллардан бунин пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Бригада аъзолари бу йил ҳам биринчи янги бўлган бермаслик учун ҳаракат қилиб, 55 гектар майдонлардан гектаридан 45 центнердан пахта топиришга муваффақ бўлдилар.

Шу кунларда бригада аъзоларининг бутун диққати қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олишга қаратилган. Шунингдек, пахтаси йиғиб олинган майдонлар шудгор қилиниб, келаси йил мўл ҳосил учун замин тайёрланмоқда.

Колхознинг ўртоқ В. Қоплонов бошлаган бригадасида ҳам пахта терини ва шудгорлаш ишлари қизғин бораётди. 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топириган бу бригада аъзолари яна ҳар гектар ердан 6 центнердан пахта топириш учун курашмоқдалар.

Райондаги Охунбоев номи колхозининг ўртоқ У. Холқов бошлаган бригада аъзолари ҳам меҳнатда ялли навижаларга эришмоқдалар. Улар 100 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириб, давлатга ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта топиридилар.

Бу бригаданин Охунбоев бошлаган аъзолари эса шу кунга қадар давлатга ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етказиб бердилар. М. Маматмуродов, М. Юсупова, М. Меъмоллова сингари илгир термичилар ҳозир ҳам кунига 100-120 килограмдан кўсак теряптилар.

З. ОРТИНОВ, С. ТУРДИЕВ.

Сушилка хўжалиги пахта қуритишга тайёр

Чиноз районидagi «Ўзбектеп ССР 30 йилгига» колхоз аъзолари ҳар йили ҳам сушилка хўжалигини сифатли ремонт қилиб, мавсумга тахт қилиб қўйин билан об-ҳаво нуқудай келган кунларда ҳам давлатга графикада белгилабган миқдорда пахта топиришга эришаётдилар.

Колхоз правленселари кўп йиллик тажриба асосида бу йил ҳам сушилка хўжалигини ўз вақтида ремонтдан чиқаришга ва етарли миқдорда ёқили жамғариб қўйишга эътибор бермоқда.

Ҳозиргача янги тилдаги бешта пахта қуритиш сушилкаси сифатли ремонт қилиниб, фойдаланишга топширилди. Сушилкаларини ремонт қилишда 1-МТСнинг механизаторларидан Белинов, Семестий ўртоқлар яқиндан ёрдам бердилар.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Шаҳарликлар ёрдами

Мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олинган шаҳарлик меҳнатчилар ўрта Чирчиқ районидagi Хрушчев номи колхозга жуда катта ёрдам кўрсатадилар.

Бригада республика Малайия уйининг ходимлари колхозга 17 сентябрдан 20 ноябргача 95 миң килограм пахта, 8570 килограм кўсак териб бердилар. Малайия уйининг Улмақон Дакимова, Маъсуда

